

ДИСТАЛ ПРИКУСДА ТУРЛИ ОРТОДОНТИК АППАРАТЛАР ЎРДАМИДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ.

Исмоилова Д.Г.

Илмий раҳбар: Муратова.Г.А. Ортодонтия ва тишларни протезлаш
кафедраси ассистенти

Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон

Долзарблиги. Дистал прикус сагиттал сатх йўналишдаги прикус аномалияси . Барча аномалиялар ичида дистал прикус 18-19% ташкил этиб, унинг чин ва сохта турлари фарқланади. (Р.Н.Нигматов ва Ф.А.Шамухамедовлар) буйича, шунга асосан аномалияни тарқалиш даражаси, уни аниқлаш ва даволаш долзарб ҳисобланади.

Мақсад: Дистал прикусли беморларда механик ва аралаш таъсир қилувчи аппаратлар билан даволаш самарадорлигини аниқлаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот 8-14 ёшдаги дистал прикусли 20та қиз ва ўғил болаларда клиник, антропометрик, рентгенологик, фотометрик ва статистик текширишлар ўтказилди. Пациентлар тавсияланган аппаратлар турига боғланган ҳолда икки гуруҳга ажратилди:

- 1- икки жағли аралаш таъсир қилувчи аппарат таққан пациентлар;
- 2- механик таъсир қилувчи аппарат таққан пациентлар.

Натижалар. Икки гуруҳ пациентларнинг динамик кузатув натижалари (даволашдан олдин ва даволаш якунида), яъни антропометрик ва ТРГ - усулидаги текширув натижалари асосида даволанаётган 20 та пациентнинг 12 тасига юқори пастки жағига кенгайтирувчи ва пастки жағини олдинга чиқарувчи Твин -Блок аппарати қўлланилди . 8 та пациентга пастки жағини олдинга чиқарувчи Андрейзн -Гойпл аппаратлардан фойдаланилди.

Хулоса. Дистал прикусни механик таъсир қилувчи Твин - Блок аппарати билан даволаган 12та пациентдан 12 тасида (100%) ижобий натижага эришилди. Аралаш таъсир қилувчи Андрейзн-Гойпл аппаратлар билан даволанган 8та пациентдан 5тасида ижобий натижа олинди(62.5%).

Текширувларимизда асосан клиник, антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичлари ўзаро мос бўлган, лекин аппарат турига дифференциал ёндошган ҳолда механик таъсир қилувчи Твин-Блок аппаратлар билан даволанган пациентларнинг даволаш самарадорлиги аралаш таъсир қилувчи Андрейзн- Гойпл аппаратлар билан даволанган шахсларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эришиш имконини берди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Доменюк, Д. А., et al. "Персонализированный подход в морфологической оценке кранио-и гнатометрических соотношений у людей с физиологическим прикусом постоянных зубов." Медицинский алфавит 3.24 (2018): 18-25.
2. Murtazaev, Saidmurodkhon Saidaloevich, Makhmud Zakirovich Dushmanmedov, and Saidazim Saidagzamovich Murtazaev. "Ethnic aspects of orthognathic bite." European science review 7-8 (2015): 80-84.
3. Арипова, Г. Э., et al. "ОРТОДОНТИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С

ДИСТАЛЬНОЙ ОККЛЮЗИЕЙ ЗУБНЫХ РЯДОВ В ПЕРИОД СМЕНЫ ПРИКУСА."

4. Расулова, Ш., et al. "Обоснование к учёту вертикального компонента роста при диагностике и планировании лечения у пациентов с дистальным прикусом." Медицина и инновации 1.1 (2021): 101-104.

5. Шомухамедова, Ф., Д. Сулейманова, and Г. Муротова. "ОЧИҚ ПРИКУСЛИ БЕМОРЛАРНИ ТАШХИСИ ВА УЛАРНИ ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШ." Медицина и инновации 1.4 (2021): 442-446.

6. Олесов, Е. Е., and В. В. Уйба. "МЕДИКО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОФИЛАКТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ АНОМАЛИЙ У ДЕТЕЙ В ПЕРИОД РАННЕГО СМЕННОГО ПРИКУСА."

7. Расулова, Ш., et al. "Обоснование к учёту вертикального компонента роста при диагностике и планировании лечения у пациентов с дистальным прикусом." Медицина и инновации 1.1 (2021): 101-104.